Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил 11 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 99 (12631)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

**Кеча Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXXI сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2013/2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва сервис компаниялари фаолиятини яхшилашни ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.**

**Сессияни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**

## ДОЛЗАРБ ПАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, банк-молия муассасалари, мутасадди бошқарма ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тегишли туман ва шаҳарлар ҳокимлари, жойлардаги хусусий уй-жой ширкатлари уюшмалари, ободонлаштириш, коммунал хўжалик, электр, газ, сув таъминоти идоралари мутасаддилари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда депутатлар дастлаб асосий масала юзасидан вилоят ҳокимининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари О. Содиқовнинг ҳисоботини тингладилар.

Маърузачи қайд этганидек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 июлдаги "2013/2014 йилларда иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, ҳамда республика ҳукуматининг тегишли топшириқлари ижроси юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, газ, электр, сув тармоқлари, иссиқлик қозонхоналарида жорий таъмирлаш ишлари ниҳояланди. Кўп қаватли уйларнинг коммунал тармоқларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича муайян чоралар кўрилди.

Бироқ, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари иш фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинганда, амалга оширилган ижобий ишлар қаторида ҳали ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам борлиги аниқландики, уларни зудлик билан бартараф этишда мутасадди идора ва ташкилотлар қатори вилоят фаоллари, депутатлар, умуман, кенг жамоатчиликнинг бевосита иштироки тақозо этилади.

Сессиянинг мунозара қисмида депутатлар қиш мавсумида жойларда газ босимининг кескин тушиб кетиши, муқобил энергия захиралари етарли эмаслиги, шунингдек, электр энергиясидаги узилишлар аҳолининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқариши бунга бевосита мутасадди бўлган идоралар мавсум мобайнида масалани доимий назоратда ушлашлари, авария-чақирув ва қутқарув хизматлари тайёргарлиги ҳамда масъулиятни ҳар қачонгидан кўра оширишлари зарурлигига эътибор қаратдилар.



Кун тартибидаги масала юзасидан Бекобод шаҳар ҳокими М. Бухорбоев, Ангрен шаҳар ҳокими И. Раҳмонов, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ф. Хайруллаев, Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи А. Сайфуллаев, вилоят "Сувоқава" ОАЖ раиси Н. Аминов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Сессияда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## САОДАТ МАНЗИЛИ

**Одатда, бор нарсанинг қадрига етиш, ардоқлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу фазилат аввало, Президентимиз таъкидлаганларидек, "ҳар томонлама етук, баркамол" инсонларгагина хос. Лекин она юрт, муқаддас тупроқ, азиз Ватан қадрини ундан айро тушган кўнгиллар ўзгачароқ, чуқурроқ ҳис этиши айни ҳақиқат. "Ўз уйи – ўлан тўшаги" – ўз юртида барча ҳаётий неъматлардан баҳраманд бўлиб, Ватан паноҳида яшаш бахтини берган Конституциямиз билан фахрланиш, унга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини ҳам ҳеч ким инкор этолмайди.**

Лекин, 20 кун давомида хизмат сафари билан Жанубий Кореяда бўлиб қайтган вилоят ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мутахассиси Насиба Қулбекованинг мулоҳазалари ҳар дилга шукроналик ҳиссини бахш этиши тайин.

– Аввало, истиқлолимиз шарофатларига шукрлар айтаман, – дейди у. – Зеро, оддий бир ўзбек қизининг чет элга эмин-эркин хизмат сафари билан бориб келиши – мустақиллик берган кенг имкониятлардан бири. Буни ота-онам ҳам қайта-қайта эътироф этадилар. Қолаверса, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга ривожланган мамлакатлар билан борди-келди қилиш, дўстона муносабатлар ўрнатиш, улар ҳаёти, турмуш тарзини ўрганиш, гувоҳи бўлиш – сўзсиз шукроналикка чорлайди. Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган "Аёллар меҳнат фаоллигини оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзусидаги семинарда иштирок этар эканман, тенглар ичра тенг ҳур Ўзбекистонда яшаётганимиздан ғурурландим. Йўқ, Кореяни тараққиётга юз тутган, энг ривожланган мамлакатлар қаторида эканини инкор этолмайман, аммо, Ўзбекистон – серқуёш юрт, Тошкент – "Нон шаҳри" дея бежиз эътироф этилмаганига яна бир бор амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

Таълим

## ДАРСЛАРИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТАДИ




Дилфуза Бобомуродова Бекобод шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида 22 йилдан буён ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради.

Дарсларни кўргазмали ва тарқатма материаллар асосида ўтказиб, видео ва аудиодисклардан самарали фойдаланади. Натижада биринчи тоифали мутахассиснинг дарслари қизиқарли ва эсда қоларли даражада савияли ўтади.

Мактаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Муроджон Алимов ҳақида ҳам шундай илиқ гаплар айтиш мумкин. У ташкил этаётган турли тадбирлар, учрашув ва кечалар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтирмоқда.

**СУРАТДА:** Дилфуза Бобомуродова дарс жараёнида.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Бахтимиз қомуси

## МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

**Қадимги манбалар маҳалланинг кўп минг йиллик тарихга эга эканига гувоҳлик беради. IX аср муаррихи Наршахий "Бухоро тарихи" асарида маҳалла 1100 йил илгари мавжуд бўлганини айтади. "Маҳалла" арабча сўз бўлиб, "шаҳар ичидаги шаҳар" маъносини англатади. Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр" асарида қуйидаги банд учрайди:**

***Шаҳарлар отини маҳалот этиб,***
***Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб.***

**Ушбу ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда "Ҳири" деб аталган Ҳирот шаҳри "юз шаҳарча"дан, яъни маҳаллалардан ташкил топган экан.**

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган Л. Левитин ва Д. Карлайл "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" китобида (Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 42-43-бетлар) қуйидагиларни ёзади: "Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар тамал тоши саналади... Ранг-баранг оилавий-қариндошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланики сингари тош боса олмайди".

Дарҳақиқат, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши-ёмон кунларда бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган.

Миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла мамлакатимиз Конституциясига киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Асосий қонунимизнинг 105-моддасида шундай дейилади: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди". Шу тариқа, Бош қомусимиз минг йиллик анъаналар таъсирида шаклланган маҳалла нуфузининг қайта тикланиши ва юксалиши, шунингдек, келгусидаги барқарор фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворига айланди.

Бугунги кунда республикамизда 10 мингга яқин анъанавий шаҳар ва қишлоқ маҳаллалари мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятини "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар ва қатор қонун ости ҳужжатлари ҳамда республика Президентининг қарор ва фармонларига мувофиқ амалга оширмоқда. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти органларининг қатор ваколат ва вазифалари, жумладан, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишлари, одамларни иш билан таъминлашни ташкил этишда фаол иштирок этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш кабилар маҳаллаларга берилди.

(Давоми 2-бетда).




Тадбир

**Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 20 дан зиёд фан йўналишида малака оширган педагоглар учун Миллий академик драма театрида маънавий-маърифий кеча ташкил этилди.**

## ТЕАТРДА БИР КУН

"Театрда бир кун" мавзуида ўтказилган тадбирда институт масъуллари, вилоят шаҳар ва туманларидан келган 600 га яқин ўқитувчи, ижодкор ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Ёшларнинг ҳар жиҳатдан билимли бўлиб вояга етишларида ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнати муҳим экани, шу боис педагогларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, касбига садоқатини ошириш, хизматларини муносиб рағбатлантириб бориш зарурлиги таъкидланди.

– Ёш авлодни ҳар жиҳатдан билимли, зукко қилиб тарбиялаш вазифаси мураккаб жараён бўлиб, педагоглардан ўқувчиларга билим бериш асносида, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, онги ва шуурини маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш талаб этилади, – дейди Бўстонлиқ туманидаги 11-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зулфизар Исмоилова. – Чунки, ўқувчиларнинг маънавий етук бўлишлари биз бераётган билимга ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Ўқитувчиларнинг ҳуқуқий, маданий, касб маҳоратларини ошириш мақсадида уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда инсон кўнгли, кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчи "Кўнгил" спектакли намойиш этилди.

Фаол, истеъдодли ва изланувчан 10 га яқин тингловчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатида гапирилган эди

## ҲОСИЛ КУШАНДАЛАРИ

**"Бу йилги пахта мавсумида қарийб 30 фоиз ҳосил йўқотилди. Бунда бошқа омиллар қатори зарарли ҳашаротларнинг ҳам таъсири катта бўлди. Боиси, вилоятда фаолият юритаётган биолабораториялар мавсумга ҳеч қандай тайёргарликсиз киргани, зарарли ҳашаротларга қарши ўз вақтида ва етарлича курашилмаганидир..."**

Шу каби мулоҳазалар вилоят Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидланди.

Вилоят, туман қишлоқ хўжалик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимлари ҳамда биолабораториялар раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирда 2013 йилда пахта ҳосилини етиштиришда йўл қўйилган камчиликлар, бой берилган тонналар, шунингдек, 2014 йил мавсумига тайёргарликнинг бугунги аҳволи атрофлича муҳокама қилинди.

Айтиб ўтилганидек, бу йилги пахта етиштириш мавсумида бир қатор камчиликларга йўқ қўйилди. Натижада, юзлаб гектарлардаги пахта ҳосили нобуд бўлди.

– Биргина Бўка туманининг ўзида ўргимчаккана 51 гектар майдонга тарқалган, – дейди Тошкент давлат аграр университети ректори Ботир Сулаймонов. – Унинг асосий қисми тумандаги "Фахрузбек ўғли Бунёдбек", "Тошпўлат", "Жўрақул зиё", "Ашир Қурбонали", "Мавлон Сардор Барака" фермер хўжаликларига тўғри келади. Ўрта Чирчиқ туманида эса 43 гектар майдонни ўргимчаккана босган. Хусусан, тумандаги "Маматкарим Дилшоджон", "Нажот Нури", "Шароб Музаффар" фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳашарот кенг тарқалишига бепарво бўлишган. Кўсак қурти масаласида эса вилоятдаги ҳолат ачинарли даражада. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманида 63 гектарга етди. "Турон", "Аҳмад полвон Талъат полвон", "Зилола Райҳон", "Гулбаҳор", "Саховат замини", "Зоир Омад", "Сайрам Обод" фермер хўжаликларида кўсак қурти кенг тарқалган. Пискент туманида эса жами 189,6 гектар майдон зарарланган. Жумладан, "Нишонов Абдурасул", "Ҳакимов Э", "Мавлонов Абдураҳим", "Алиқулов Каримқул", "Ойбек Қодиров", "Шуҳрат", "Бердиалиева Малоҳат", "Иномов Қодир", "Лочин", "Риқсиқулова Баҳринисо", "Даврон Фатон", "Зоҳидбек Сардор", "Равшанов Анвар", "Ҳожиева Сайёра" каби фермер хўжаликлари раҳбарлари бу касалликка бепарво бўлишган.

Чиноз туманида 318,9 гектар майдонда кўсак қурти ҳосилни барбод қилган. "Абдураззоқ Файз", "Болтабоев Холмат", "Усмонобод" ф/х, "Холмат Абдуҳошим", "Сари асал", "Мулла Али", "Чиноз Агрофайз", "Акромов Алишер", "Махмудов Зокир боғи", "Эргашев Калмон", "Абдукарим Абдураҳим", "Тошпўлат Ҳожи", "Мирсобит ота", "Болтабой Ота", "Арслонбоев Аҳмад", "Раҳматов Абдукарим", "Абдураим Шербўтаев", "Абдураззоқ Файз", "Болтабоев Холмат", "Усмонобод" фермер хўжаликларида бу касалликка қарши ўз вақтида курашилмаган.

(Давоми 2-бетда).

Бари биз учун

**Таҳририятимизга ўрта ёшлардаги аёл кириб келди. "Янгийўл туманидаги 26-мактабда ўқитувчиман. Кўкрак бези саратонига чалиниб, айни пайтда вилоят ўсма касалликлари шифохонасида даволанаяпман, – деб қўлимизга мактуб тутқазди. – Ҳамма фикр-мулоҳазаларим шу хатда баён этилган. Лозим кўриб, чоп этсангиз, фойдадан ҳоли бўлмасди". Ўзини Розия Ҳаитова дея таништирган аёлнинг мактуби мазмуни билан танишгач, муаллиф ҳақ эканини тушуниб, уни газетхонларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.**

## ШИФОКОРГА УЧРАШИШДАН ЭРИНМАНГ!

"2011 йили кўкрагимда оғриқ сездим. Шамоллаш бўлса керак, ўтиб кетар, деб бепарво юравердим. Анча вақт ўтказиб, вилоят ўсма касалликлари шифохонасига мурожаат қилдим. Ёш бўлсада, анча тажрибали маммолог Дилобар Эшонхўжаева ва Ботиржон Кенжаев кўригида бўлдим. Шифокорлар мастопатия, яъни кўкрак бези касаллигига чалинганимни айтишди. Мастопатия турлари кўплиги, мендаги жараённи жарроҳлик йўли билан даволаш мумкинлигини қон таҳлилларидан сўнг маълум қилишди.

Аввалига қаттиқ тушкунликка тушиб қолдим. Сўнгра турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг ундови билан шифохонага ётиб, даволана бошладим. Дастлаб тўрт курс киметерапиядан ўтдим. Бу муолажани шифокорлар – Ғайрат Эгамбердиев ва Зиёда Гулмирзаева назоратида қабул қилдим.

(Давоми 2-бетда).

Бахтимиз қомуси

# МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколати муддати шу йил ноябрь-декабрь ойларида тугаши муносабати билан айни кунларда Конституциямизнинг 105-моддасига, янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ республикамизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида, шунингдек, Қорақалпоғистон республикасида навбатдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Ушбу сайловларда вилоятда 1157 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 11 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланиши назарда тутилган. Мазкур сайловларда ҳар томонлама муносиб фуқароларнинг йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари этиб сайланиши, ўз навбатида, Концепцияда белгиланган устувор вазифа – маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш, қолаверса, илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ вазифалар ижросини тўлақонли таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳалла – давлат назорати ва эътиборидаги кичик тузилма, аммо юксак даражадаги ишларни амалга оширишга қодир катта куч. Бу ерда миллати, ирқи, дини ва тилидан қатъи назар, фуқаролар аҳилликда, бир-бирларига елкадош бўлиб яшайдилар. Бугун унинг обрўи, мавқеи, вазифасию бурчи ҳам маҳалла аҳли ва жонкуяр фаолларига боғлиқ. Шундай экан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови барча юртдошларимиздан, жумладан, ҳар бир маҳалла фуқаросидан мазкур сиёсий жараёнда янада фаол қатнашишни талаб этади. Зеро, маҳалла равнақи, бу – юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ҳамда халқ фаровонлигининг муҳим мезонидир.

Бугун Ўзбекистон босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар эканмиз, ўтган даврда эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ҳамда унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани – буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ўтган даврда халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Бош қомусимизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Маҳалла" институти нуфузининг ошиши, ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг Конституциявий ҳуқуқий асослари яратилиши жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга, одамларимизнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгаришига, ватандошларимизнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси тобора ошиб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Чиноз туман кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, ҳуқуқшунос.**

# САОДАТ МАНЗИЛИ



**– Таассуротларингиз чеҳрангиздаги ёруғлик, қароқларингиздаги чуқур ҳаяжондан ҳам маълум. Айтингчи, дунёга машҳур Сеул шаҳрини саёҳат қилганингизда хаёлингиздан нималар кечди?**

– Гап йўқ, маҳобатли иншоотлар, энг сўнгги русумдаги техника, транспорт воситалари, жамоат жойларидаги тартиб-интизом эътиборга лойиқ. Лекин, ҳеч қандай муболағасиз айтишим мумкинки, ташрифимизнинг иккинчи куниёқ Ўзбекистонни, унинг бепоён далаларини, муқаддас тупроқ исини қўмсадим. Обиноннинг ифорини, тошкентча паловнинг таъмини, юрагимга яқин одамларнинг чеҳрасини, файз-тароватли кўчаларимизни соғиндим. Аслида 2-3 кун нима деган гап – йиллаб Ватанидан йироқда яшашига тўғри келган юртдошларимиз кўп. Улар, албатта, Ватан меҳрини қалбида ардоқлаб келаётганига шубҳа йўқ. Эзгу мақсад йўлида ҳар қандай қийинчилик, айрилиққа чидаса бўлади. Биз ҳам аёллар меҳнатини тўғри йўлга қўйишдаги тажрибаларни кўриб, ўрганиш мақсадида қилган сафаримизни бесамар ўтказмадик, дея оламан. Сеулдаги "Аёллар маркази"да Индонезия, Лаос, Мўғулистон, Непал, Шри Ланка, Тимор Лесте, Вьетнам, Украина, Қирғизистондан келган фаол аёллар, уларнинг иш тажрибаси билан танишар эканмиз, бизнинг Ўзбекистон шароитида бунданда сермаҳсул, самарали фаолият олиб бориш мумкинлиги кўнглимдан ўтди. Айтайлик, Сеулдаги махсус қизлар мактабида 300 ўқувчи бор. Уларга 50 педагог ходим дарс беради. Ҳар бир фан учун алоҳида хона, замонавий техника воситалари мавжуд. Ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан фани бўйича ихтисослашган билим олади. "Аёллар маркази"да уй бекалари, ёлғиз оналар ва қизларга турли касб-ҳунар ўргатилади. Кейинчалик улар уйларида касаначилик асосида иш юритишади. Бир қарашда бундай саъй-ҳаракатлар биз учун янгилик эмас. Лекин, ҳар бир ишнинг самараси – тинимсиз изланиш, ўрганишда. Шу маънода Жанубий Корея сафари шахсан мен учун янги-янги лойиҳалар, ишланмалар учун йўл очиб берди десам бўлади.

**– Тўғри, ҳар бир ишнинг пировард натижаси бўлиши керак. Сиз ҳам шу кунларда "Ватан учун нима қилсам бўлади?" деб ўйлаётгандирсиз?**

– Албатта. Яқинда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорликда эълон қилган "Обод уйим" танловининг 2-даврасии грантини олиш учун ариза билан мурожаат қилдик. Агар ижобий натижага эришсак, Ўрта Чирчиқ тумани Истиқлол қишлоғи "Чуқуровул" маҳалласида "Ўқув маркази" ташкил этиш, ёш оналар, уй бекалари, эҳтиёжманд оила вакилларини тикувчилик, қандолатчилик каби ҳунарларга ўргатиш, ёшларни, қизларни спортнинг бадиий гимнастика турига жалб этиш ҳамда фарзанд тарбияси билан машғул бўлган оналарга инглиз тилидан сабоқ беришни йўлга қўйишни ният қилдик.

"Олмоқнинг бермоғи бор" деб бежиз айтилмаган. Насибахоннинг холис ниятлари амалга ошса, Жанубий Корея сафари бесамар кетмагани шу аслида. Бир қиз, бир ўғилнинг онаси, ҳам оила, ҳам давлат – жамоат ишига масъул ходим сифатида Насибахон эришаётган ютуқларга ҳавасимиз келди. "Ўзбек жанг санъати" шайдоси Мақсадбек энди 3-синфда ўқийди. Лекин ўзи қизиққан спорт тури бўйича вилоятда, республикада бир неча бор 1-ўринни қўлга киритгани мақтовга лойиқ. Боғча тарбияланувчиси Нафисахон эса келажакда шифокор бўлиш орзусида. Уларнинг орзулари амалга ошишига шубҳа йўқ. Зеро, бахтимиз Қомуси – Конституция кафолатлаб берган саодат манзили яқин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Бари биз учун

# ШИФОКОРГА УЧРАШИШДАН ЭРИНМАНГ!



Қўли енгил шифокор ва ҳамшираларнинг ғамхўрликлари кўнглимни кўтарди. Айниқса, профессор Мукаррама Исомуҳамедова: "Кимётерапия яхши натижа берибди, энди операция қилиш мумкин", деганда қувониб кетдим.

Операцияни тиббиёт фанлари номзоди, 2-жарроҳлик бўлими бошлиғи, маммолог Азизжон Ҳамдамов, Дилбар Эшонхўжаева, Муқаддас Тўхтабоева бажаришди. Бўлимнинг хушмуомала ҳамширалари операциядан кейин соғлиғим тикланишига ёрдам беришди.

"Саломатлик туман бойлик" деб бежиз айтилмаган. Сўнгги пайтларда аёлларда мастопатия – кўкрак бези саратони кўп учраяпти. Унинг олдини олиш беморнинг ўзига боғлиқ. Кўкракнинг санчиб, жизиллаб, тортишиб оғриши мастопатиядан даракдир. Шифокорларнинг айтишича, вақтида даволанмаган мастопатия турли хавфли касалликларни келтириб чиқаради. Бу хасталик ҳамма ёшдаги аёлларда учраши мумкин. У ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. "Касалликнинг юқорида айтилган белгиларини сезишингиз билан шифокорга мурожаат этиб, унинг барча маслаҳатларига амал қилсангизгина, операциядан олдин ва кейин ҳам дарддан батамом қутулиб, соғлом турмуш тарзига қайтишингиз мумкин", дейди бўлим бошлиғи Азизжон Ҳамдамов.

Баъзан ўйлаб қоламан, шифохонага қандай аҳволда келгандим? Бугун эса, танамдаги оғриқдан асар ҳам йўқ. Бунга биринчи навбатда вилоят ўсма касалликлари шифохонасининг малакали ва тажрибали ходимлари аниқ ташхис қўйишгани ва сидқидилдан қилган муолажалари сабаб бўлгани шубҳасиз. Шу боис мен юқорида номлари тилга олинган, дардимга даво топаётган шифокорларга самимий миннатдорчилик билдираман. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мен ва мен каби ўнлаб-юзлаб беморлар оғир ва хавфли хасталикдан халос бўлишмоқда.

Шу ўринда жарроҳ Азизжон Ҳамдамовнинг беморлар дардига малҳам бўлиш билан бирга устоз-шогирд анъанасини давом эттириб, ёш шифокорларга ушбу шарафли касбни пухта эгаллашга кўмаклашаётгани таҳсинга сазовор эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Азиз опа-сингиллар, соғлигингизга бепарво бўлманг! Ҳозирги кунда мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда кўкрак бези хасталигини даволаш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Яқинда шифохонанинг янги биноси ишга туширилиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Биз – аёллар ўзимиз учун яратиб берилаётган имкониятдан, албатта, вақтида ва самарали фойдаланишимиз, фарзандларимиз келажаги, оиламиз учун кераклигимизни унутмай, танамизда ўзгариш сезишимиз биланоқ шифокорга мурожаат қилишга одатланишимиз керак".

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамоат фонди ҳамкорлигида Конституция куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир уюштирди.**

# АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Миллий академик драма театрига тўпланаётган турли касб эгалари – ёшлар, нуроний кексалар, фаол жамоатчи хотин-қизлар чеҳрасида қувонч, мамнунлик ифодалари. Тантанали кечани вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Саидов очар экан, барчани қутлуғ сана – Конституция қабул қилинган куннинг 21 йиллиги билан қутлади. Эътиборлиси, 6 йилдан буён давом этиб келаётган хайрли анъана – вилоят олий ўқув юртлари, коллежларда таълим олаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган иқтидорли талабалар учун кенгаш томонидан берилаётган устама стипендиялар ёшларга маънавий рағбат, моддий қувват бўлмоқда. Бу сафар ҳам уларнинг 25 нафарига шундай стипендия ва сертификатлар топширилди. Тадбирда сўзга чиққан сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков Конституция – бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи, муҳим ҳаётий қўлланма, шу заминда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканлигини алоҳида таъкидлади.

Иштирокчиларга намойиш этилган "Кўнгил" спектакли барчага байрамона кайфият улашди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## ОРУ НОМУСИМ МЕНИНГ

*Озод – обод Ватанимиз жаҳонда*
*пойдор,*
*Буюк юртлар аро бормиз*
*кўплардан илғор,*
*Ҳумо қуши туғимизнинг рамзи,*
*тимсоли,*
*Байроғимиз серюлдузу, порлоқ ҳилоли.*
*Йигирма бир ёшга тўлди*
*қомусим менинг*
*Саодатим дастури ору*
*номусим менинг.*

*Амир Темур тимсолида ўзбек*
*тиклаб қад,*
*Талатўпларга дош берган ундаги*
*тоқат.*
*Дориламон кунлардан айирма фақат,*
*Мустақилликда яшагаймиз*
*абадул-абад.*
*Йигирма бир ёшга тўлди*
*қомусим менинг*
*Саодатим дастури ору*
*номусим менинг.*

*Келажаги буюк Давлат –*
*Ўзбекистоним,*
*Асрларга татигулик ҳар лаҳза, оним,*
*Истиқлолим яшнатгай боғу бўстоним*
*Мағрур элим сарбозлари бир*
*тану жоним.*
*Йигирма бир ёшга тўлди*
*қомусим менинг*
*Саодатим дастури ору*
*номусим менинг.*

**Қосимжон ТЕМУРОВ.**

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатида гапирилган эди

# ҲОСИЛ КУШАНДАЛАРИ

Бўка туманидаги аҳвол ҳам киши дилини ранжитади. Туман бўйича жами 75,4 гектар майдонда кўсак қурти тарқалган. Бу кўпроқ "Аҳмад Чорбоғи", "Жўрақул Зиё", "Мавлуда Жавлон", "Тошпўлат", "Дадажон Камолиддин" каби хўжалик далаларига тўғри келади.

Юқори Чирчиқ туманида эса 80,4 гектар майдон: "Шоҳжаҳон Шаҳризода боғи", "Таусай ота", "Бесовул", "Элдос", "Муҳаммадали А", "Бўронбой ота ва ўғиллари", "Абдурайим Напохат", "Тоҳиржон Омад барака" фермер хўжаликлари далаларида кўсак қурти кенг тарқалгани кузатилган.

Ўргимчаккана ва кўсак қурти каби ҳашаротларнинг бу даражада кенг тарқалишига, асосан, жойларда фаолият юритаётган биолабораториялар фаолияти талаб даражасида эмаслиги сабаб бўлган.

Вилоят бўйича жами 37 та биолаборатория мавжуд бўлиб, 2013 йил мавсумида уларнинг аксариятида иш яхши ташкил этилмаган. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Багис Бахтиёр", "Дўстлик био", "Қорасув Био", "Ҳақиқат био", Пискент туманидаги "И. Ҳайдарова", "Навоий", "Гултепа олтинкўз", Чиноз туманидаги "Норбўта ота", "Чиноз пахта тозалаш" заводига қарашли ҳамда "Тошкент дон маҳсулотлари" қошидаги Чиноз биолабораторияларида, шунингдек, Юқори Чирчиқ туманидаги "Аҳмад Яссавий", "Биодоривор замини" биолабораторияларида биомаҳсулотларни ўз вақтида кўпайтириш, далага тарқатиш ишлари кечикканлиги ва бошқа қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли ғўза майдонларида ҳосилдорлик кескин камайган.








– Бу йил куз фасли деҳқончилик учун қулай келиши билан бирга зарарли ҳашаротларнинг тўйиниб қишлашига ҳам шароит яратиб берди, – дейди Ботир Сулаймонов сўзини давом эттириб. – Агар биолабораториялардаги 2014 йилги мавсумга тайёргарлик шу зайлда давом этадиган бўлса, келаси йилги пахта ҳосилидан умид узса ҳам бўлади. Бундай дейишимизга асос бор, албатта.

Вилоятда фаолият юритаётган биолабораторияларнинг айни кундаги аҳволи ҳам ўтган йилгидан кам эмас. Уларнинг ҳеч бирида келаси пахта мавсуми учун тайёргарлик ҳали бошланмаган.

Аксарият биолабораториялар фермер хўжаликлари билан шу пайтгача ҳатто шартнома ҳам тузмаган. Оналик маҳсулотлари мавжуд эмас, яъни олтинкўз балонлари номига қўйилган, эски, бракон умуман йўқ бўлиб, лоақал ўтган мавсумдагилари ҳам тозаланмаган. Айримлари таъмирталаб бўлиб, ҳозирги кунгача иситиш мосламалари мавжуд эмас.

Масалан, Пискент туманидаги "Ният" биолабораторияси ташландиқ ҳолатда. Эшигидаги қулф охирги марта қачон очилганини ҳеч ким айтиб беролмаса керак.

Деярли барча биолабораторияларда озуқа маҳсулотлари захираси умуман йўқ. Ишчи ва ходимларни жойидан тополмайсиз.

– Шу кунгача она биомаҳсулотлар тайёр бўлиши, иккинчи маротаба кўпайтиришга қўйилиши зарур эди, – дейди далилларга асосланган ҳолда Ботир Сулаймонов. – Афсуски, биолабораториялар ҳали уйқудан уйғонган эмас, ўтган мавсумдаги йўқотишлардан ўзига тегишли хулоса чиқармаган.

Йиғилишда биолабораториялар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам кенг муҳокама этилди. Хусусан, дебитор ва кредитор қарздорлик масаласи асосий муаммолардан биридир. Шунингдек, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ҳам кўп ҳолларда биолабораториялар ишини издан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масала ва муаммолар ечими юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# ОЛОВ ЁВ БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

**Юқори Чирчиқ тумани ЁХБ ходимлари давлат бойликлари ва аҳоли тураржойларини ёнғиндан муҳофаза қилиш ишларини ёнғин хавфсизлиги ойлигида янада жонлантиришди.**

Тумандаги 10 та қишлоқ, 47 та маҳалла, 4 та коллеж, 40 та мактаб, 9 та боғча, 23 та тиббиёт муассасаларида ойлик давомида ёнғиннинг олдини олишга оид кенгайтирилган тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, тўртта мактаб, иккита боғча, Тинчлик, Саксон ота, Суранкент қишлоқларидаги кўплаб маҳаллаларда шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Қилинаётган ишлар каттаю-кичик аҳолига тушунарли бўлиши учун 6 мингта эслатма (2 мингтаси рангли), 10 дан ортиқ плакатлар туман ҳудудидаги кўринарли жойларга осиб қўйилган.

Ўтказилаётган чора-тадбирлар туфайли ёнғинлар ўтган йилларга нисбатан анча камайди. Йилнинг ўн ойи давомида туман ҳудудида 63 та ёнғин содир бўлиб, кўпи аҳоли тураржойларига тўғри келади. Асосий сабаб яна ўша – бепарволик, оддий қоидаларга риоя қилмаслик.

– Ишимизда қийинчилик туғдираётган муаммолардан бири маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар олдини сунъий тўсиқлар билан ўраш ва ноқонуний қурилмалардир, – дейди туман ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Рисқибой Аҳроров. – Бундай қурилма ва бетон тўсиқлар "Наврўз", "Чирчиқ", "Иттифоқ" маҳаллаларида рўйхатга олинган. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Қачонки, ҳар бир фуқаро ёнғин уй-жой, мол-мулк ва энг асосийси, умрни саноқли дақиқаларда кулга айлантириши мумкинлигини ҳис қилса, унинг олди олинади.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.**



**СУРАТДА:** 34-мактабдаги тадбирдан лавҳа.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# «101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

**"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да соҳа ходимлари тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирган тарзда олиб бормоқдалар. Профилактика инспекторлари маҳаллаларда фаоллар билан биргаликда аҳолига тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйишган.**

Шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот ва уй-жойлар ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилмоқда. Ўқув юртлари, мактаб ва боғчаларда, одамлар гавжум жойларда ёнғин офатининг мудҳиш оқибатлари ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилиб, фуқаролар ҳушёрликка чақирилмоқда.

Қиш мавсумида тураржойлар ва янги қурилаётган уйларни ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида, ҳар биримиз газ тармоғи, дудбуронларнинг созлиги, электр симларнинг тўғри ўтказилганига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Булар оиламиз хавфсизлиги кафолати эканини унутмаслик лозим.

**У. РАЗЗОҚОВ,**
**9-ҲЁХО 13-ҲЁХ А/П смена бошлиғи.**

Футбол



## ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**Вилоят болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари футбол мактаби директори Тоир Тошмуҳамедов ташаббуси билан Жўра Хоназаров хотирасига бағишланган турнир уюштирилди.**

Ўн тўртинчи бор ташкил этилган мусобақалар Ғазалкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 8 жамоа икки гуруҳга бўлиниб, ғолиблик учун кураш олиб борди. Барча учрашувларни кўтаринки кайфиятда ўтказган вилоят болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари футбол мактаби жамоаси ва қаршилик ёш чарм тўп усталари ҳал қилувчи финал ўйинида ўзаро рўбаро келишди. Майдон эгалари рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, йирик 4:0 ҳисобида ғалаба қозониб, бош совринни қўлга киритишди. Учинчи ўринни эса ғазалкентлик футболчилар эгаллашди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва футбол федерацияси масъул ходимлари, марҳум Жўра Хоназаровнинг фарзандлари ва яқинлари иштирок этишди. Совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Китоб – офтоб

# ЭНГ БЕБАҲО МАНБА

**Дунёнинг эзгулиги билим билан гўзал. Инсонни ҳаётда олган билими билан одоби безайди. Қадимда ота-боболаримиз илмни китобдан, билимни ҳаётдан ўрганасан дейишган. Аслида, дашномни тушуниб етиш учун ҳам билим керак.**



Инсон учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқ. Китоб ҳамиша энг яқин ҳамроҳ. Унда на нифоқ бор, на гина. Унинг сўзларида ёлғон бўлмайди. Дўстининг дилини оғритмайди, юрагини сиқмайди. У ҳамма ерда, ҳамма билан ҳамдам, ошно. Ўқисангиз барча саволларингизга жавоб топасиз.

Ўғлим мактабга борган кунни эсладим. У алифбе китобини маҳкам бағрига босганча: "Ойижон! Устозим Замира опа ўқиш, ёзишни мана шу алифбе китоби ўргатади дедилар", деди ҳаяжонланиб. Ўғлимнинг китобни бағрига маҳкам босгани мени қувонтирди.

Шунда адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг бир мақоласи ёдимга тушди. Унда тасвирланган манзара ҳеч хаёлимдан кетмайди: "Эшак миниб олган болакай бир боғ ўт устида ўтириб, аллақандай китобни кўз олдида тутиб, баланд овоз билан ўқиб борарди. Ҳеч кимга, ҳеч нарсага эътибор бермас, унинг учун олам мана шу китоб эди гўё". Олим бу манзарадан жуда завқланади. Шу бола, уни ўқитган муаллими, ота-онасига раҳмат айтгиси келади. Эътибор беринг-а, ота-онаси – муаллими. Демак, болаларга ўқинг, дейишдан олдин катталарнинг ўзи ўқиши, фарзандига ўқиш учун имкон яратиб бериши керак, деб ёзади муаллиф.

Ҳозирги кунда кутубхоналарга аъзо бўлаётган ёшларнинг аксарияти талабалар. Улар тарихга, бадиий адабиётга қизиққанларидан эмас, балки касбга доир китобларни ўқиш учун киради бу ерга. Ва бу изланиш, ўқишнинг якуни, синов имтиҳони билан тугайди. Интернет хоналари эшигини очсангиз, у ердагиларнинг кўпчилигини компьютерда ур-сур, олди-қочди фильмларни кўриб ўтирганининг гувоҳи бўласиз. Уларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари. Бесамар ўтаётган умрини китоб ўқиш, илм олишга сарфласалар-ку...

Баъзан китобларнинг нархи жудаям қимматлиги ҳақида эшитганимда, яхши китоблар шунга арзийди, китоб дунё жавоҳирлари ичида энг бебаҳо дурдонадир, дегим келади.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

Шунақаси ҳам бўлади...

## «ТОМСУВОҚ»



Ғайбуллажон – юлдузни бенарвон урадиган, кўзидан ўт чақнайдиган, ақли расо, тили бурро йигит. Ҳарқалай, у менда шундай таассурот уйғотган. "Бир йигитга қирқ ҳунар оз" деган гап айнан унга атаб айтилгандек.

У билан танишувим қизиқ бўлган. Тўғрироғи, бир кунда уч хил қиёфада, уч хил касб-кор устида кўрганман уни. Ҳайрон қолганман...

Бизнинг Дўрмон томонлардан катта йўл ёқалаб Чирчиқ тарафга юрсангиз, оралиқда сўлим Байтқўрғон қишлоғи бор. Шу ерда яшайдиган танишимизникига наҳорга ошга бордик. Ланг очиқ дарвозада бир текис тизилиб турган карнай-сурнайчилар етти маҳаллага уйқу бермай, "Насрулло"ни чалишаяпти. Лунжини шишириб карнай пуфлаётган йигит эътиборимни тортди – Ғайбулла!

Пешинда синфдошимиз ўғил тўй қилаётганди. Ошна-оғайнилар билан чиқдик. Ўртада елкасига видеокамера қўндириб олиб, келган-кетганни тасвирга тушираётган йигит кўзимга иссиқ кўринди. Яхшилаб қарасам – Ғайбулла. Фақат эгнидаги кийими сал замонавийлашган, чамаси сочини текислатишга ҳам улгурибди.

Тўй бор, аза бор, дейишганидек, асрга жанозага чақириб қолишди. Савобдан қолмайлик, деб чиқдик. Йиғилганларнинг сон-саноғи йўқ. Зумда майитни иззат-икром билан қўлма-қўл қилиб қабристонга элтдик.

Эл тобутни янги қазилган қабр ёнига оҳиста қўяётганда қўлида белкурак билан лаҳаддан сакраб чиққан ёшгина гўрков йигитни дарҳол танидим – Ғайбулла. Эгнида, дадаси ҳарбий хизматдан кийиб қайтган бўлса керак, эскириб, увадаси чиқиб кетган фуфайка. Бошида қулоқчинли қалпоқ. Майитни лаҳадга қўядиган яқинларига бир нималарни дадил-дадил тушунтиришидан, бу иш билан кўпдан бери шуғулланишини пайқаш мумкин.

Дафн маросими охирлаб, одамлар тарқай бошлагач, секин унинг ёнига бориб сўрадим:

– Ука, сиз ўзи нима иш қиласиз? Эрталаб наҳорги ошда карнай чалаётгандингиз, пешинда бир йиғинни видеотасвирга тушираётганингизни кўрдим. Ҳозир эса бу ердасиз.

Ғайбулла саволимга, бунинг нимаси ажабланарли, дегандек тиржайиб жавоб қилди:

– Э-э, ака, буни тирикчилик, дейдилар. Биз берсанг ейман, урсанг ўламан, деб ётадиганлардан эмасмиз. Қаерда пул бўлса, шу ерда ҳозирмиз.

Бир нарса деёлмадим.

Яқинда маҳаллада у ҳақда яна бир гап тарқалди. Эмишки, ўша карнайчи, ўша тасвирчи, ўша гўрков Ғайбулла эл-юртнинг тўй-ҳашамларида биб-бинойидек қўшиқ айтиб, davраларни қизитаётганмиш. Гуруҳининг номи ҳам алламбало – "Томсувоқ" эмиш. Ажабланганим йўғ-ку, лекин уни ҳоли учратиб, бу ҳақда сўраганимда, ҳу-ув ўша беларво илжайиш билан пичирлади:

– Нимасини айтасиз, ока?! Ҳозир ҳамма пул қўшиқчида экан... Юрган эканмиз қўлимизни беҳуда сувга уриб...

– Тўғрику-я, – дедим, – бироқ қўшиқ айтиш учун овоз керак, ашуланинг авжи, даромади, деган гаплар бор...

– Овоз эшакдаям бор, ока, – деди Ғайбулла совуққонлик билан. – Ҳозир овозни эмас, каллани ишлатадиган пайт. Техникани билиш керак. Плюсовка, минусовка, фонограмма... Э-ҳе, барибир тушунмайсиз.

Охирги саволим гуруҳининг номи ҳақида бўлди.

– "Томсувоқ"ни биласиз-а? Бувим айтиб берганлар. Илгари одамлар гурас-гурас бўлиб, уйларнинг томини лой билан сувáб чиқишаркан. Фалончиникига томсувоққа деса бас, қўлидан иш келадиган одам кетмону белкурагини кўтариб чопаркан. Бу текин ҳашар, дегани экан. Ашулачилар ҳам текин хизматни "томсувоқ" дейишади. Биз эса бир йўла гуруҳимизни шундай деб номладик – "Томсувоқ!" Текин экан деб, хизмат устига хизмат, сезонам роса зўр бўлаяпти. Битта тўйга борсангиз бас, қистир-қистирдан ўлдим деганда олти юз минг тушади. Қорнимиз оғрийдими, ока?

**Шухрат МУРОДОВ.**



*Бир кунгина баракали ёққан қордан асар ҳам қолмади.*

**Азамат АҲМЕДОВ сурат-лавҳаси.**




## ДАВЛАТ БОШЛИҒИНИНГ АМАКИСИ ИШДАН КЕТДИ

**Шимолий Корея ҳукумати мамлакат раҳбари Ким Чен Иннинг амакиси Чан Сон Тхэк эгаллаб турган барча лавозимларидан маҳрум этилганини тасдиқлагани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

"Чан ва унинг давомчилари жиноий хатти-ҳаракатлар содир этиб, бизнинг партиямиз ва инқилобимизга катта зарар етказди", дейилади Шимолий Кореянинг ЦТАК агентлиги расмий ахборотида. Ушбу хабар мамлакат Ишчи партияси бюроси мажлиси бўлиб ўтгандан сўнг пайдо бўлди. Бироқ, Чан ҳамда унинг яқинлари айнан қандай жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишгани масаласига ойдинлик киритилмади.

Ким Чен Ин давлат тепасига келгач, унинг амакиси мамлакатда иккинчи шахсга айланди. 67 ёшли бу амалдор қатор нуфузли лавозимларни банд этди. Бироқ, декабрь ойининг бошларида матбуотда Чаннинг барча лавозимларидан озод этилгани, унинг яқинларидан икки киши очиқ қатл этилгани, чет эллардаги дипломатия корпусларида ишлаб турган қариндошлари эса ватанларига чақириб олингани ҳақида хабар пайдо бўлди.

Чан Сон Тхэкнинг ўзи ноябрь ойидан буён оммага кўп ҳам кўринмаётган эди. Айрим маълумотларга қараганда, кейинги пайтларда у чет эл валютаси ва спорт масалалари билан шуғулланган.

## ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ МУШТЛАШУВИ ҚИММАТГА ТУШМАСА ЭДИ

**Бразилиянинг Globo нашри тарқатган хабарда келтирилишича, "Атлетико Паранаэнсе" ва "Васко да Гама" жамоаларининг чемпионат сўнгги туридаги учрашуви чоғида футбол ишқибозлари ўртасида муштлашув келиб чиқди.**

Жоинвили шаҳридаги ушбу учрашув 17-дақиқага борганда, ҳисоб "Атлетико Паранаэнсе" фойдасига 1:0 бўлиб турганда тўхтатилди ва орадан бир соат ўтгандан сўнгина қайта бошланди. Натижада "Атлетико Паранаэнсе" рақибини йирик – 5:1 ҳисобида енгди. Шундан сўнг "Васко да Гама" иккинчи табақага тушиб кетди.

Муштлашув чоғида тўрт футбол мухлиси жиддий жароҳатланиб, шифохонага тушди. Ҳар икки жамоа ўйинчиларининг ўзлари ҳам ушбу нохуш ҳолатдан қаттиқ таъсирландилар. Айримларининг кўзларида ёш пайдо бўлди. "Атлетико Паранаэнсе" жамоаси ўйинчиси Луис Альбертонинг фикрича, Бразилияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати арафасида бундай нохушликнинг юз бергани айниқса ёмон бўлди.

## МЕЪЁРДАН ОШСА ҚОР ҲАМ ОФАТ

**Американинг Пенсильвания штатидаги Моргантаун шаҳри яқинидаги магистраль йўлда ўтган якшанба куни ўнлаб машиналар бир-бири билан тўқнашиб кетди.**

Биринчи автоҳалокат содир бўлиши билан ўз машинасидан чиққан ҳайдовчи ёнидан ўтиб бораётган машина тагига тушиб қолиб, шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди. Шундан сўнг бошланган кетма-кет автоҳалокатлар натижасида автомагистралнинг кўп жойларида ҳаракат тўхтаб қолди. Шу жумладан, штатдаги энг йирик Филадельфия аэропортига борадиган йўлда ҳам юриб бўлмай қолди.

Маҳаллий амалдорларнинг айтишича, 50 дан зиёд автомашина жиддий шикастланган автоҳалокатга ноқулай об-ҳаво шароити сабаб бўлган. Ушбу минтақада кучли қор ёғишда давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, у ёмғирга айланиши мумкин. 400 дан зиёд махсус автомобиль йўлларни қордан тозалаш билан машғул.

## ПАРЛАМЕНТ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛАДИГАН БЎЛДИ

**Таиланд бош вазири Йинглак Чинават мамлакат парламенти тарқатиб юборилишини эълон қилди, деб ёзади Reuters агентлиги.**

Чинаватнинг сўзларига қараганда, янги сайловлар "иложи борича тезроқ" ўтказилиши зарур. Reuters бош вазирнинг қуйидаги сўзларини телевидение орқали намойиш этди: "Аҳолининг кўпгина қатлами ҳукуматга қарши бўлиб турган ҳозирги босқичда энг тўғри йўл ҳокимиятни халққа қайтариш ва сайлов ўтказишдир".

Илгари Чинават ҳукуматга ишонч масаласида референдум ўтказишни таклиф қилган эди. Агар Таиланд халқи референдумда унга ишонч билдирмаса, истеъфога чиқишни ваъда қилганди.

## ЭНГ ЮҚОРИ СОВУҚ ҚАЙД ЭТИЛДИ

**Антарктидада, Японияниг "Купол Фудзи" тадқиқот станциясида Цельсий шкаласи бўйича 91,2 даражадаги совуқ қайд этилгани ҳақида хабар тарқатди The Sunday Times.**

Бу ер юзида шу пайтгача қайд этилмаган энг юқори даражадаги совуқдир. Ҳароратни Американинг қор ва музни ўлчаш миллий марказий мутахассислари сунъий йўлдош маълумотлари асосида ўлчаб чиқардилар. Уларнинг таъкидлашича, ушбу рекорд даражадаги совуқ денгиз сатҳидан тахминан 3720 метр баландликда, очиқ ва шамолсиз ҳаво шароитида қайд этилди.

Бундан аввалги энг совуқ даража 1983 йилда қайд этилиб, ўшанда ускуналар Цельсий бўйича минус 89,2 даражани кўрсатган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Жиноятга жазо муқаррар

# АРОФАТ АЯНИНГ КЎЗЁШЛАРИ

**Болали уйда гап ётмас, дейдилар. Айниқса, қўшнининг сири қўшнидан ҳеч қачон пинҳон бўлмайди.**

**Арофат ая ён қўшнимиз бўладилар. Ёлғизгина ўғил Ҳикматилланинг гиёҳвандга айланиб, бедаво дардга йўлиққанини муштипар онаси номус қилиб, маҳалла-кўйдан зўр бериб яширмасин, бир зумда ҳаммага аён бўлди-қолди. Ноқобил ўғилнинг дастидан оила қарз ботқоғига ботди, бисотда сотилмаган нарса қолмади. Қадди эгилган ота дунёни эрта тарк этди. Она қанд касалини орттирди.**

**Аммо, нодон ўғилнинг кўзи бу билан очилмади. Бадқилиғини қўймади. Аёли куя-куя ота уйига кетди. Икки фарзанди тирик етим қолди. Гулдек ҳунари хор бўлди. Ҳикматилланинг ўзи эса, айтишларига қараганда, руҳий касалликлар шифохонасида эмиш...**

Ҳа, дунёда шундай иллатлар борки, у нафақат одамнинг турмуш тарзи, ҳаётини издан чиқаради, балки ёш авлод саломатлигига, келажагига ҳам ўта хавфли таъсир кўрсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё миқёсида гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб қолган одамлар сони ўзгаришсиз қолмоқда. Мазкур нуфузли ташкилот гиёҳванд моддалар бошқа муаммоларга йўл очаётгани, айниқса, ОИТС/ОИВ сингари хасталиклар учун асосий омил бўлаётганини хавотир билан қайд этмоқда.

Афсуски, орамизда оғуфурушликни ўзига касб қилган, шундай паст, ғаразли мақсадни бойлик орттириш манбаи ва яшаш тарзига айлантириб олганлар бор экан, гиёҳвандлик балоси башариятга хавф солаверади.

Яқинда шундай жирканч фаолият билан шуғулланувчи яна бир жиноий гуруҳнинг пайи қирқилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ишлаб чиққан навбатдаги тадбир бир оилани бахтиёр қилиши мумкин бўлган ёшгина аёлнинг маломату надоматга тўла сўнгги манзилини белгилаб берди...

Дилноза Машарипова Тожикистон республикасида туғилган. Миллати ўзбек. Ўттиз ёшнинг остонасида. Тўрт фарзанднинг онаси. Олмалиқ шаҳрида яшаган.

Давлат чегараларини бузиб, гиёҳвандлик воситаларини турли йўллар билан юртимизга олиб кириш орқали бойлик орттириш унинг ўй-хаёлини буткул заҳарлаганди. Шу тариқа у дастлабки тергов вақтида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Фахриддин, Дамир, Жамшид исмли шахслар билан гиёҳванд моддаларни контрабанда йўли билан ўтказиш ва сотиш мақсадида жиноий тил бириктирди. Унинг вазифаси олиб ўтилган заҳри қотилни айтилган вақтда белгиланган манзилга етказиб туриш эди. Эҳтимол, аёл киши бўлгани учун бу кирдикорларидан ҳеч ким шубҳаланмайди, ўйлаган ишларининг ҳаммаси худди хамирдан қил суғургандек осон битади, дея хомтама бўлгандир. Кўза деганлари кунда эмас, кунида синишини ўйламагандир, балки...

Бу сафар у Фахриддин Тожикистон Республикасидан олиб ўтган "юк"ни Олмалиқ шаҳрида яшовчи таниши – Жамшидга олиб бориши ва эвазига 300 АҚШ долларини санаб олиши керак эди.

Ўтган йилнинг 13 июль куни соат тахминан ўн яримларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида ўтказилган "Қора дори" тадбири унинг режасини чиппакка чиқарди. Бекобод тумани ҳудудида ёлғиз юрган Машарипованинг хатти-ҳаракатлари тадбир иштирокчилари – тезкор ходимлар эътиборидан четда қолмади. Туман ички ишлар бўлимига олиб келинган аёлнинг чарм сумкаси холислар иштирокида текширилганда ичидан жами етти дона алоҳида-алоҳида ўралган ўткир ҳидли модда топилиб, ашёвий далил сифатида олинди. У вазни 6025 грамм бўлган наша экани Бекобод шаҳар ИИБ ЭКГнинг 2012 йил 13 июлдаги 64-сонли хулосаси билан ўз исботини топди.

Тергов жараёнларида маълум бўлишича, Д. Машарипованинг бундай жирканч қилмишлари, таассуфки, биринчиси эмас экан. У бундан муқаддам ҳам эски ҳамтовоқлари билан қўшни мамлакатдан айланма йўллар орқали шу турдаги гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш ва тарқатиш билан шуғулланганини инкор қилиб бўлмас далиллар орқали очиб ташланди. Дилноза ўзига нисбатан эълон қилинган айбларга суд мажлиси жараёнида тўла иқрор бўлиб, қилмишларидан чин дилдан пушаймон эканини, оилавий шароити, фарзандлари тарбияси ва бошқа кўплаб омилларни келтириб, одил суддан ўзига нисбатан енгиллик сўради.

Бироқ, унинг кўра-била туриб қилган ишлари, эл-юртга, жамият ҳаётига хавф солувчи қилмишларини хаспўшлаш мумкин эмасди. Бинобарин, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбланиб, қилмишига яраша жазоланди.

Мен Д. Машарипованинг қисматига эмас, қўшнимиз – шўрлик Арофат аянинг ҳолига ачинаман. Бу аёлнинг кимга нима ёмонлиги бор эди? Аслида, унинг ҳаётини заҳар-заққумга айлантирганлар, турмуш суянчиғидан, ёлғиз ўғлидан тирик жудо қилганлар худди Дилноза каби сизу бизнинг орамизда юрган оғуфурушлар эмасми? Уларни муштипар онаизорларнинг оҳу ноласи, мижжаларидан қалққан кўзёшлари тинч қўяди, дейсизми?

**Аслбек МУРОДОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8699. Адади 6909. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.10.